

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича давра суҳбати

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги томонидан алоҳида тасдиқланган режасига асосан, жорий йилнинг 28 сентябрь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг “Ер ресурсларини бошқариш” факультетида “Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш профилактикаси ва йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш” мавзуси бўйича талаба ёшлар ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲҲБ Маъмурий амалий бўлим бошлиғи подполковник С.А.Кабулов, факультет декани, декан ўринбосарлари, профессор ўқитувчилар, ҳамда талабалар иштирок этишди. Тадбирни факультет декани З. Муқимов кириш сўзи билан очиб берди.

Сўнг Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲҲБ Маъмурий амалий бўлим бошлиғи подполковник С. А. Кабулов йўлларда ҳаракат хавфсизлигининг олдини олиш учун, нималарга риоя қилиш кераклиги ҳақидасўзлади. Шунингдек, видеороликлар орқали талаба ёшларга тушунчалар ҳам бериб ўтилди.



ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан мувонини Ҳуррият Эшова ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов